
Чоп этилиши лозим бўлган ахборот материаллари рўйхати

Фарғона вилояти ҳокимининг “12” март 2018 йилдаги № 112 сонли фармойишига 4-илова

Фарғона вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материаллари

РЎЙХАТИ

1. Вилоят ҳокимлигининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
 2. Вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар.
 3. Вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар.
 4. Вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқиладиган қарорларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар.
 5. Вилоят ҳокимлиги томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар.
 6. Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар.
 7. Фарғона вилояти ҳокимлигининг жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар.
 8. Амалга оширилишида вилоят ҳокимлиги иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар.
 9. Чорак ҳамда йил яқунлари бўйича вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар.
 10. Вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар.
 11. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар.
 12. Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар.
- Вилоят ҳокимлигида ўтказиладиган чорак яқунларига бағишланган фаоллар йиғилиши, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари (очиқ мажлислар)ни ўтказиш режалари, шу жумладан йиғилишларнинг кун тартиби.